O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 21 октябрь, № 205 (4868) Чоршанба

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***НАМАНГАНдаги “Наманганмаш” очиқ акциядорлик жамияти газ ва нефть саноати учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаради.***

### Конвейерда янги маҳсулотлар

Яқинда бу ерда юқори босимли муҳитда фойдаланиладиган сурма қопқоқларнинг янги тўрт турини тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу билан корхона маҳсулотлари тури 40 тага етди.

Айтиш лозимки, корхонада ихтирочилик таклифларини амалиётга татбиқ қилиш орқали ишлаб чиқариш суръатлари ошириб борилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 633 миллион сўмлик тайёр маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,5 фоиз ўсишга эришилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ФАРҒОНА туманининг энг олис қишлоғи — Қалайболада бундан етмиш йил олдин қурилган эски мактаб ўрнида барча қулайликларга эга замонавий билим даргоҳи қад кўтарди.***

### Қишлоқ ёшлари қувончи

160 ўринга мўлжалланган ушбу мактабда қалайболалик ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Ушбу хайрли юмушни амалга ошириш учун 212 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ЖИЗЗАХ шаҳридаги “Жиззах Атлас Экспо” павильонида жорий йилнинг сентябрь ойида “International agro tech expo” доимий халқаро кўргазмаси иш бошлаган эди.***

### Тадбиркорлар учун қулайлик

Айни пайтда бу ерга Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятларидан тадбиркорлар ташриф буюришиб, хорижда ишлаб чиқарилган замонавий технология ва техникалар билан яқиндан танишишмоқда. Айниқса, қуёш энергияси орқали сув иситиш қурилмаси, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологиялар юртимиз ишбилармонларига маъқул келмоқда.

Кўргазма давомида 112 миллион сўмликка яқин шартномалар имзоланди. Шунингдек, яна кўплаб технологияларга буюртмалар берилди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***СИРДАРЁ. Янгиер шаҳридаги “Шодлик” маҳалласида янги гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

### Гузар — маҳалла кўрки

Бу ерда оталар чойхонаси, маданий-маиший бинолардан ташқари, “Камолот” ёшлар клуби, минифутбол майдончаси, баскетбол майдони ҳам бор.

Шундай гузарлар шаҳарнинг Ш. Рашидов, Жомий, Бинокор маҳаллаларида ўз фаолиятини бошлаган бўлса, Бобур, Наврўзобод маҳаллаларида эса қурилиш ишлари тугалланиш арафасида. Эътиборли томони, буларнинг барчаси тадбиркорлар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ.**

# САНОАТИМИЗНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

**Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини бошлади.**

XALQARO SANOAT YARMARKASI VA KOOPERATSIYA BIRJASI
TOSHKENT 20-24 OKTYABR 2009 YIL



***Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар туфайли кейинги йилларда саноат корхоналари тобора ривожланиб бораётир.***

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида корхоналарни техник модернизация қилиш бўйича 156 та лойиҳа тугаллангани, 371 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, озиқ-овқат саноатида 139 та, қурилиш материаллари саноатида 122 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 71 та, машинасозликда 13 та объект фойдаланишга топширилгани, пировардида ушбу соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга ўсгани бунга яққол мисол бўла олади.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан ташкил этилаётган мазкур тадбир эса айнан шу мақсадлардаги ишларни янада жадаллаштириш ва юқори самарадорликка эришишда муҳим омил бўлаётир. Негаки, у импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, корхоналар ўртасида кооперацион алоқаларни ривожлантиришга, ички бозорда

(Давоми 2-бетда).

## Дональд ЛаГвардиа:

# «ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНИШНИНГ АЖОЙИБ СУРЪАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА»

***АҚШда ташрифни давом эттираётган Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси вакилларидан иборат бўлган мамлакатимиз делегацияси Нью-Йорк шаҳрида Манхеттеннинг нуфузли “Харвард Клаб” ишбилармон клубларидан бирида Америка — Ўзбекистон савдо палатаси (АЎСП)нинг навбатдаги йиғилишида иштирок этди. Тадбирда АҚШнинг ҳукумат ва ишбилармон доираларидан 50 дан ортиқ вакиллар қатнашди.***

Тадбирни очар экан, йиғилиш олиб борувчиси **АЎСП вице-президенти Синтия Экберт Тсай** АҚШнинг иқтисодий пойтахти — Нью-Йоркда АЎСПнинг биринчи бор ўтказилаётган навбатдаги йиғилиши иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг янги, аниқ йўналишларини ўрганиб чиқишга яхши асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

**АЎСП раиси Харри Юстас** ўз табрик сўзида “Навбатдаги йиғилишнинг ўтказилиши ҳар иккала томоннинг АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги ишбилармон ҳамкорликни доимий мустаҳкамланишига содиқлигининг тасдиғидир”, дея қайд этди.

АЎСП йиғилиши чоғида Ўзбекистонда Америка етакчи компаниялари вакилларининг самарали бизнес ишларини олиб бориш тажрибаси, мамлакатдаги қулай сармоявий муҳит ҳақидаги тақдимотлар бўлиб ўтди.

**Москванинг “Уайт энд Кейс” юридик компанияси ваколатхонаси раҳбари Элисон Уайтстоун хоним** ўзининг “Ўзбекистондаги сармоялар: ҳуқуқ ва ҳимоя” номли тақдимот маърузасида америкалик инвесторлар учун Ўзбекистоннинг эътиборга сазовор бўлган қулай географик жойлашуви, аҳоли таълим олиш даражасининг юқорилиги, амалдаги ривож-

**Дунё нигоҳи**

ланган транспорт ва энергетик инфратузилмалар, бой маъданий захираларнинг мавжудлиги, солиқ ва божхона қулайликлари, имтиёзлар, истеъмолчилар бозорининг кенг салоҳияти каби муҳим омилларни аниқ кўрсатиб берди. У Ўзбекистонда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини таъминловчи қонуний база яратилганлиги ҳамда хорижий сармоядорлар корхоналарига тақдим этиладиган имтиёзлар борасида батафсил тўхталиб ўтди. Э. Уайтстоун хоним хорижий инвестициялар ва сармоявий фаолият, хорижий сармояларни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқ ва чоралар тўғрисидаги бир қатор қонуний ҳужжатларнинг ҳукумат томонидан изчиллик билан ишлаб чиқилгани Ўзбекистонда инвесторнинг муваффақиятли фаолият олиб боришида муҳим асослардан бири саналишини алоҳида таъкидлади.

У юз бериши мумкин бўлган тижорат хавфлари суғуртаси тизимига эътиборни қаратди.

**“Логан Рокфеллер Глобал Партнерс” компанияси ижрочи директори Дональд ЛаГвардиа** ўзининг “Ўзбекистон — жадал ривожланаётган бозор имкониятлари” маърузасида иқтисодиётнинг реал ўсиши акс эттирилган Ўзбекистон юқори макроиқтисодий кўрсаткичларга эга эканини алоҳида таъкидлади. Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари сифатида Д. ЛаГвардиа мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат раҳбарияти танлаган бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатини қайд этди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг” деган сўзларини айтиб ўтди. Шундан сўнг у “Ўзбекистон янги уйни қуриб бўлди”, дея таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида барча жабҳалар сингари миллий маданиятимиз, санъатимизни изчил ривожлантириш, бу борадаги анъаналарни давом эттириш, унинг энг яхши намуналаридан халқимизни баҳраманд этиш, ижодкорларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.***

# ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ ҲАФТАЛИГИ

**Пойтахтимизда «Art Week Style.uz — 2009» санъат ҳафталиги якунланди.**

Бу жараёнда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, ижодий бирлашмалар билан биргаликда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг фаолияти бунинг ёрқин далилидир.

Жамғарма томонидан миллий меросимизни асраб-авайлаш, амалий санъат ва ҳунармандлик йўналишидаги қадимий анъаналарни тиклаш, бу борада ижодкорларга ҳар томонлама кўмаклашиш, ёш истеъдодларнинг фаолияти учун шароит яратиш, ижодини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, юртимиз ва халқаро миқёсда оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Асрлар садоси», «Янги авлод», «Навқирон Ўзбекистон», «Келажак овози», «Bazar Art» каби фестиваллар, кўрик-танловлар, миллий ҳунармандлик ярмаркалари, турли кўргазмалар, концертлар бунинг далилидир. Айни пайтда ушбу ижодий лойиҳалар ижтимоий йўналтирилгани, катта маданий-маърифий аҳамияти билан нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам тобора эътибор қозонмоқда.

«Art Week Style.uz» — санъат ҳафталиги республикамиз ва халқаро миқёсда санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотаётган тадбирлардан. Ҳафталикнинг бу галгиси миллий меросимиз, қадимий анъана ва қадриятларни тиклаш, эъзозлаш, тарғиб ва ташвиқ этиш, санъат, маданият, миллий ҳунармандлик соҳасида эришилган ютуқларимизни намойиш қилиш, «Устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириш каби эзгу мақсадларга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Негаки, бетакрор санъатимизни хорижда намойиш этиш, ёшлар қалби ва онгида миллий меросимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини қарор топтириш, ижодкорлар ўртасида халқаро миқёсда тажриба алмашиш ва ижодий алоқа ўрнатиш жамғарма фаолиятида устувор ўрин тутади.

Бир ҳафта давом этган санъат байрамида амалий санъат ва ҳунармандлик намуналари, нодир буюмлар кўргазмалари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

# САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида 20 октябрь куни мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.***

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси М. Абдусаломов журналистларга сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак сайловларда иштирок этишига ижозат бериш ишлари ҳақида ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига биноан, парламент Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилишини маълум қилди.

Марказий сайлов комиссияси жойлардаги давлат ҳокимияти органлари таклифларини кўриб чиқиб, 9 октябрда бўлиб ўтган ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун сайлов округларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сайлов округларининг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилинди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов журналистларга “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг 16 октябрда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Таъкидландики, номи қайд этилган Қонуннинг 12-моддасига биноан, округ сайлов комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, комиссия таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари киритилишига алоҳида эътибор қаратди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан янги ташкил этилган сайлов комиссиялари аъзолари учун сайлов қонунчилиги асосларини ўрганиш бўйича қатор семинар ва тренинглар ташкил этилди.

Матбуот анжуманида, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг ҳар бири Марказий сайлов комиссиясига депутатликка номзодлар кўрсатиш учун барча зарур ҳужжатларни — партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси ва сайловчиларнинг сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этгани маълум қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг $23^1$-моддасига мувофиқ, сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳ тузилди. Имзо варақаларини кўриб чиқишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этди — бу миллий сайлов қонунчилигига киритилган ва сайлов жараёнининг янада ошкоралиги ҳамда демократлигини таъминлайдиган янги институтдир.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов партиялар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганиш якунлари партияларни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилганидан далолат беришини маълум қилди. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 17-18 октябрь кунлари ўтказилган мажлисларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг парламент Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ўзбекистонда сайловни ташкил этишга оид барча саволларига жавоб қайтарди.

**(ЎзА).**

